

аспектларини ўрганиш каби амалга оширилади: терминнинг маъно плани нифода плани. Аммо терминологик мажмуалар, жумладан, ижтимоий-сиёсий нидипломатик терминларни тадқиқ қилиш методлари алоҳида олинган биртерминни тадқиқ қилиш методларига нисбатан кам ишлаб чиқилган³¹. Умумийтишунносликда терминология асосан қўйдаги методлар воситасида тадқиқ этилади:

1. Тарихий - тасвирий метод илмий ёки техник терминологиянинг ярағилиш жараёнини тўлиқ кўриш имконини беради (масалан, ихтиология, физика, география терминлари тадқиқи).
2. Компонент таҳлил тўлиқ мажмуа учун қўлланилиб, умумий семани аниқлашга хизмат қилади.
3. Семантик қўлайтирмалар методи маълум семаларни априор ёки интуитив белгиламасдан, матн ва сўзлар маъносини семантик тадқиқ асосида белгилаш имконини беради³².
4. Дефиницион метод терминлар маъносини мантикий-лингвистик анализ ёрдамида аниқлаш ва боғлиқлик графикасини тузиш имкониятини яратади. Методнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг ёрдамида семантик қўлайтирмалар тузилмайди, балки якин терминларни уларни дефиницияларида тасвирланган маънолар хусусиятлари таккосланади³³.
5. Дистрибутив метод матнларда, жумладан, дефиницияларда маълум бир терминларнинг биргаликда келиш частоталарини ўрганишга асосланган.
6. Маълум бир лексик бирликларнинг формал парадигмасини тузиш методи. Бу метод маълум бир терминология синфига тегишли бўлган, масалан, геологияда префиксал тузилмалар ва кимё фанида аффиксал тузилмалар парадигмасини тузиш орқали амалга оширилади.

Терминшунослик соҳасига оид тадқиқотларда бундан ташқари фундаментал ва лингвистикага якин бўлган фанларда қўлланилиб келинаётган методлар ҳам кўп ишлатилади. Бу биринчи навбатда фалсафа, системология, гносеология, когнитив лингвистика ва когнитив семантика, мантик, этимология, классификация назарияси, умумий математика, математик

³¹ Носирова С.А. Хитой тили дипломатик ҳужжатларида қўлланилуви протокол формулалар. // ТошДШП-Шарқшунослик илмий журнали. - Т., 2006. - Б.19-24.

³² Пшеничная Л.Э. Об одном методе выявления и представления структуры значения термина. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Киев: 1968. - 20с.

³³ Шелов С.Д. Определение терминов и понятийная структура терминологии. СПб: Изд-во СПб. Ун-та., 1998. - 234с.

Шелов С.Д. Родовидные определения и родовидовая иерархия терминологических понятий (на материале определений лингвистических терминов) // Вопросы языкознания, 1996, № 6. - С. 72-83.

Шилова Е.В. Терминологическая дефиниция как метатекст в русско-язычной и англоязычной научно-технической литературе. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Екатеринбург: 2005. - 24с.

терминлар, герменевтика, семиотика, синтактик, семантик, прагматик, статистик семиотика, статистика, моделлаштириш назарияси, кластер таҳлили, информатика, кодлаштириш назарияси, стандартизация назарияси, компьютер терминологика ва бошқалар.